

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

«АГРОНОМИЯ» ФАКУЛЬТЕТИ
АГРОНОМИЯ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

«Ўсимликшунослик» кафедраси

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Ҳимояга руҳсат этаман»

факультет декани _____

кафедра мудири _____

Доцент. З. Бўстонов

қ.х.ф.н. Ж.Тўйчиев

« _____ » _____ 2012 йил

« _____ » _____ 2012 йил

Кўлёзма ҳуқуқида

«Агрономия» факултети Агрономия таълим йўналиши
4-босқич 1-гуруҳ талабаси
Абдухолиқова Маъруфатхоннинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: «Ўқув тажриба хўжалиги шароитида
махаллий ва Тошкент ғўза навларини қиёсий
ўрганиш»

Илмий раҳбар, қ.х.ф.н., кат.ўқит.:

З.Рахмонов

Андижон – 2012 йил

МУНДАРИЖА

I. КИРИШ.....	3
II. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ	5
III. ТАДҚИҚОТЛАР БЎЛИМИ.....	16
3.1. Тажриба ўтказилган хўжаликнинг умумий тавсифи	16
3.2. Тажриба ўтказиш услубияти.....	17
3.3. Тажриба даласида экин ўстириш технологияси	26
IV. ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ	30
4.1. Ривожланиш фазаларининг давомийлиги	30
4.2. Ғўза навларининг ўсиши ва ривожланиши.....	33
4.3. Лаборатория анализ натижалари	36
4.4. Ғўза навларининг пахта хосилдорлиги	39
4.5. Ғўза навларининг иқтисодий самарадорлиги.....	41
V. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	47
VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	48

I. КИРИШ

Республикамизда мустақиллик йилларида ғўза селекцияси ва уруғчилигига алоҳида эътибор берилмоқда. Соха мутахассислари олдида 110-120 кунда пишадиган, тола чиқими 39-40 фоиз ва узунлиги 33-34 миллиметр ҳамда толаси тўртинчи типга мансуб, дунё бозори талабларига мос келадиган навларни чиқариш ва амалиётга тўлиқ жорий этиш вазифалари қўйилган. Селекция ва уруғчилик ишларини ривожлантириш мақсадида 1996 йил 29 августда «Уруғчилик тўғрисида»ги, 2002 йилнинг 30 августда «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши бу соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ўз-ўзидан аёнки, Президентимиз И.А.Каримов айтганидек мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устивор йўналиши бўлиб қолади.

Ишлаб чиқариш эртапишар ва тола сифати юқори бўлган ғўза навларига кўпроқ талаб қўймоқда. Эртапишар навлар экилса биринчидан - сифатли махсулот тайёрланади яъни ҳосилни совуқ тушгунча териб олиб юқори саноат навларига топширади. Иккинчидан-ғўза экин майдони эрта бўшайди натижада келгуси йилги ҳосил учун майдонлар сифатли тайёрланади. Учинчидан - ҳосилдорликка ҳам маълум бир даражада таъсир кўрсатади яъни тўла пишиб етилган кўсаклар пахтаси терилади. Бизга маълумки тўла пишиб етилган кўсакнинг вазни хом кўсакка нисбатан юқори бўлади. Ҳосилдорлиги ва тола сифати бўйича Давлат талабларига жавоб берадиган Тошкент 6, Андижон 9 ва Бухоро 6 навлари Андижон вилоятида катта майдонларга экиш учун рухсат берилмаяпти. Бунинг асосий сабаби вегетация даврининг бу шароитда чўзилиб кетишидир.

Ўзбекистон Республикаси жаҳонда пахтани экспорт қилувчи мамлакатлар қаторига киради. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг пахта толасини жаҳон бозорига олиб чиқиб ўзи мустақил сота бошлади. Буни натижасида пахта толасига қўйиладиган жаҳон андозаларини ўрганди. Толани асосий сифат кўрсаткичларидан бири унинг майинлигидир. Бу белгига микронейр кўрсаткичи орқали баҳо берилади. Хозирги вақтда ўрта толали ғўза навлари учун микронейр кўрсаткичининг максимал чегараси 4,9 ни ташкил қилади. Вилюятимизда жуда катта майдонга экилган: хосилдорлиги, эртапишарлиги ва бази агротехник тадбирлари (хашоратларга чидамлилиги, сувдан қолганда меваларини ҳам тўкиши в.б.) бўйича ҳеч бир нав олдига туша олмайдиган Фаргона 3 нави ишлаб чиқаришдан чиқариб юборилди. Чунки бу навни микронейр кўрсаткичи 5,5 га тенг.

Ќўза навлари орасидан юқорида кўрсатилган белгиларни ижобий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган шаклларни топиш хозирги куннинг долизарб вазифаларидан бири хисобланади.

Шундан келиб чиқиб, Ўқув тажриба хўжалиги шароитида Андижон-35 ва Андижон-36 навларининг қимматли хўжалик белгиларини С-6524 ғўза навиға таққослаб ўргандик.

II. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Аманов Б.Х. (2010) гўзани туричи ва турлараро чатиштириб олинган биринчи авлод дурагайларида тола узунлиги тўлиқ ирсийланишини ва ота-она шаклларида билгисига нисбатан устун кўрсаткичга эга бўлган кўплаб трансгрессив рекомбинантлар ажралиб чиққанлигини аниқлаган.

Аманов Б.Х. (2010) гўзани туричи ва турлараро чатиштириб олинган F_2 , F_1V_1 -дурагайларида тола чикими бўйича ижобий, битта кўсакдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазни бўйича асосан салбий трансгрессия кузатилган.

Аманов Б.Х. (2010) нинг олиб борган тадқиқот ишларига кўра туричи ҳамда турлараро F_1 -ўсимликларида морфобиологик белгиларнинг оралик ҳолатда ёки ота-она шаклларида бирортасининг белгисининг доминантлик ҳолатида ирсийланиши аниқланган. F_2 -ўсимликларида фотопериодга талабчанлик полимер генларнинг нокумулятив назоратида бўлиб, 15:1 нисбатда ирсийланганлиги, *G.darwinii* Watt турида фотопериодга талабчанликни рецессив генлар, маданий навларда (Аш-8, Қарши-8) узун кунга нейтралликни доминант генлар назорат қилишини кўрсатган.

Ашурбеков Х, Муқимов Э. (1990) ларнинг олиб борган тажрибаларига кўра тола узунлиги ҳар бир навни хусусияти ва унинг ирсий белгилари авлоддан – авлодга ўтиши ҳамда тажриба вақтида у ерда олиб борилаётган агротехникага ҳам боғлиқлиги катта аҳамиятга эга эканлигини маълум қиладилар. Авлоддан – авлодга ирсий белгиларни ўтиши ёки бўғинларга нисбатан катта бўғинларда ҳамда ундан кейинги бўғинларга текисланиб боришини кўрсатадилар.

Ҳолсилдорликни наслдан – наслга ўтишини юқори ва паст бўлишини бир неча бор илмий ишларида Н.Г.Симонгулян (1974), ҳамда хорижий мамлакатлар олимлари Б.Кристидис, Дж.Гарисон (1959), А.В. Hearn (1966) ва бошқаларни ишларидан маълум.

Тўраев Ж (1990) нинг фикрича зоналик принципига амал қилган ҳолда навлар чиқариш мақсадга мувофиқ бўлади. Бирон бир минтақада чиқарилган нав шу минтақанинг тупроқ иқлим шароитига мослашган бўлиб бошқа минтақада экилганда қимматли хўжалик белгилари пасайиб кетиши мумкин. Ёзанинг агроиқлим шароитида чиқарилган С-6030, С-6037, С-6040, С-6042 толаси I-типга мансуб ингичка толали навлари Сурхандарё вилоятининг иссиқ иқлими шароитига мослашмаганлиги сабабли ёзанинг маҳаллий ва серҳосил, тезпишар Термиз 14 ва Термиз 16 навларини ўстириш ҳисобига улар минтақадан сиқиб чиқарилган.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) ларнинг фикрича пахтачиликни ГОСТ бўйича навли уруғликка ўтказиш мумкинлигини алоҳида таъкидлаш керак. Бу сиз нормал нав янгилаш ҳам, селекция навларини муддатидан олдин айтишдан сақлаш ҳам, сифатли хом ашё ҳам бўлиши мумкин эмас. Буларсиз жумҳурият халқ хўжалигига улкан иқтисодий зарар етиши ва олинган толанинг хорижий бозорларидан рақобатбардошлигига заифлашиши мумкин.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Жўрабеков И.Х. нинг фикрига кўра хўжаликларнинг кўпчилиги навларни жойлаштиришга доир энг оддий қоидаларга амал қилмайдилар ва битта ўрнига иккита ва ундан ортиқ наври экадилар. Бу соҳада тартибни назорат қилиш керак бўлган мутахассис ва ташкилотлар бундай ҳолларга мурасасозлик билан қарамоқдалар. Экилаётган навлар толаси сифатини яхшилаш юзасидан туб чоралар ишлаб чиқилиши зарур, пахтамик ўз сифати бўйича халқаро стандартлардан орқада қолмаслиги ҳамда дунёдаги етакчи пахтакор мамлакатлар пахтаси билан тенг рақобат қила олиши лозим. Бунинг учун моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқиш даркор.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Эгамбердиев А. нинг фикрича наври бошқа минтақалардан экиш ёки агротехника усулларини бузиш натижаларни ёмонлаштиришга олиб келади. Чунончи, «108-Ф» ва С-6524» навлари суғоришнинг учта схемасида (1-2-1; 1-3-1; 2-4-1) синалди.

Энг яхши натижалар 2-4-1 суғориш схемасида олинди, 1-2-1 схемасида эса калта толалар хиссаси анчагина ошганлиги кўзга ташланди. Бутун агротехника мажмуидан фақат биргина бўғиннинг ўзгариши пахта сифатига ана шундай таъсир кўрсатади. Навларни минтакалар бўйича районлаштириш чоғида уларнинг типларини ҳисобга олиш тавсия қилинади, зеро баъзан бўлаётганидек, турли типларга мансуб навларни аралаштириб юборишга йўл қўймаслик лозим. Ҳозир жумҳуриятда 30, вилоятларда 7-8, ноҳия ва хўжаликларда 3-4 нав экилмоқда. Заводда битта навни қайта ишлаш учун шарт-шароитлар яратилмас, хўжаликларда эса битта нав экилмас экан, ҳозирча нав софлиги муаммоси ҳақида гапириш учун имкон йўқ.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Жалилов О. фикрича навлар кўпайиб кетишига йўл қўйиб бўлмади, селекционерлар ва уруғчилик хизмати ходимларининг моддий манфаатдорлигини оширишга эътиборни кучайтириш, уруғчилик хизматининг ташкилий тузилмасини мустахкамлашга ёрдам бериш лозим. Бундан ташқари нав алмаштиришда фақат тола чиқиши юқори бўлган навларни экишга ўтиш зарур.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Ибрагимов Ш. фикрича кейинги ўн йил ичида яратилган ва районлаштирилган; толаси тўртинчи ва бешинчи типга мансуб «175-Ф», «С-6524», С-6530», «Қирғизский 3», «Андижон 9», «Уйчи 2», «Тошкент 6», «Бухоро 6», «С-9070» навлари тезпишарлиги ва тола сифати бўйича улардан олдинги навлардан яхшилигини, лекин вилтга ва шўрхокликка чидамлилиги бўйича улардан орқада. Шу сабабли гоҳида айрим ноҳияларда улардан биринчи саноат навлари олишга мувоффақ бўлинмаяпти. Янги навлар устида ишлаган чоғда буни эътибордан соқит қилмаслик керак.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Шпилевский В.Н. нинг фикрича ғўзанинг янги навларини олдиндан кўпайтиришни ташкил этиш жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Хўжаликлар сони кўпайтирилди, лекин улар ишининг сифати ташвиш уйғотади. Жойларда вилоят

бирлашмаларининг рахбарлари, хўжаликларнинг рахбари янги ташкил этилган хўжаликларга тегишли эътибор беришлари ва янги навларни кўпайтиришда амалий ёрдам кўрсатишлари керак. Навларни кўпайтириш учун тақдим этган селекционерлар томонидан ҳам бу иш устидан муаллифлик назоратини йўлга қўйиш лозим бўлади.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Ладинина Л. П. янги истиқболли навларнинг йигирув хусусиятларига таъриф беришича «Фарғона 3» селекция нави ўрганилаётган озгина навлардан бири бўлиб, толаси пишиқликда (466-469сН) ва бир маромликда (1200-1300) юқори кўрсаткичларга эга. Физик-механик ҳоссалари мажмуига кўра, у бешинчи тип талабларига жавоб беради (штапель узунлиги 32-33 мм, метрик номери 5450-5650, узилишнинг солиштирма кучи 26-2665 сН/текс). Бироқ янги нав толасида «тола пўст» бир қадар юқори даражада мавжудлиги (0,6% ўрнига 0,8%) ундан тозалик бўйича оширилган талаблар билан ип газлама учун йигирилган ип ишлаб чиқаришда базавий материал сифатида фойдаланишни чегаралайди.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Нурматов Р.Н. нинг таъкидлашича Тошкент вилоятида 1985 йилгача ўнта нав экиларди. Жорий йилда улар миқдори учтача камайди. 1990 йили ҳар гектар экинзорга 75 кг, 1991 йили 68 кг чигит сарфланди. Лекин эътиборни ижобий тенденцияларга эмас, балки долзарб масалаларга қаратиш даркор. Биринчидан, нав ҳақида. Вилоятларда экин майдонининг 70 фоизга қадар қисми «С-6524» навига ажратилган, лекин завод лабораторияларининг аниқлашича, у толанинг биринчи саноат навини бермайди. Натижада хўжаликлар катта зарар кўрмоқда, лекин бу хол ҳеч кимни: на олимларни на мутахассисларни қизиқтирмапти. Нав тўртинчи тип бўйича биринчи навни бермас экан, уни бешинчи типга ўтказиш лозим, шунда тўртинчи типдаги иккинчи нав билан бешинчи типдаги биринчи нав ўртасидаги тафовут хўжалик фойдасига ҳар бир тоннада 245 сўмни ташкил этади. Лекин бу масала ҳал қилинмаяпти.

Иккинчидан, кўп хўжаликларимиз туксиз чигитни экишга одатланганлар, «С-6524» навини эса чигит пўсти юпқалиги ва майдалиги туфайли туксизлантириш қийин. Экиш нормасини кўпайтиришга тўғри келмоқда, бу эса табиийки, энг яхши илож эмас.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Мақсудов И.Т. нинг фикрича ҳозирги вақтда ўндан ортиқ нав ёки етиштириладиган пахта хом ашёсининг 40 фоизи қийинчилик билан тозаланеди, жуда ифлослантириб йиғиб олинади, бу нарса қайтадан тозалашни тақозо этади. Натижада тола бир текис бўлмайди, кўпинча такроран тозалашлар ҳам ёрдам бермайди. Бундай тола ГОСТ талабларига жавоб бермайди ва у паст нархларда сотилади. Бу ҳолда жаҳон бозорига чиқиш тўғрисида қандай сўз бориши мумкин.

Тозалаш чиқимлари йилдан-йилга ошиб бормоқда, пахта толасининг сифати эса яхшиланмаяпти, шу сабабли селекционерлар барг юзаси силлик бўлган, барги тўкилувчан навларга, шунингдек толаси чигитдан пўстсиз ажраладиган навларга катта эътибор бериши керак.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Қўзибоев Ш. нинг фикрига кўра жумҳуриятда 30 нав экилмоқда, уларнинг ўнтаси экин майдонларининг 80 фоизини эгаллаган, қолган 20 нав 2% майдонгагина экилган. Бунинг устига уларнинг кўплари бир қатор йиллар давомида кичик майдонларда экилсада, уларни районлаштиришдан олиб ташлашга муваффақ бўлмаяпти. Масалан, жорий йилда иккита янги нав («Наманган 77» ва «Фарқона 3») районлаштирилди, районлаштиришдан фақат биттаси – «Тошкент 1» олинди. Ингичка толали навларни аҳволи янада ёмонроқ, бунда ҳам икки нав («қарши 8» ва «9872-И») районлаштирилган. «С-6037» навини олиб ташлаш таклиф қилинди, лекин бу таклиф ҳам қўллаб-қувватланмади, демак, кейинги йилда районлаштирилган 30 эмас, балки 33 нав экилади. Ишга бундай муносабатда навларнинг навбатдаги алмашилиши, табиийки, кечикади. Иттифок структурасини тугатилиши муносабати билан қишлоқ хўжалик экинларини синаш бўйича Давлат комиссияси олдида муаммолар тўпланиб қолди.

Биринчидан, навларни янгилашга доир бундан буён иш олиб бориладиган, янги навларни рўйхатга олиш реестрлари тузиладиган ва навлар муаллифларига гувоҳнома топшириладиган қонунлар ишлаб чиқиши лозим. Буларнинг ҳаммаси ҳозиргача Москвада ягона Иттифоқ доирасида ўтказилар эди. Муаллифлик гувоҳномалари топширилгач селекционерлар улар бўйича районлаштирилган навлар учун тақдирланар эдилар. Бу масалаларнинг ҳаммасини жумҳуриятда ҳал қилиш зарур. Бунинг учун кадрлар ҳам маблағлар ҳам даркор. Барча манфаатдорларни жалб этган ҳолда навларни янгилаш бўйича миллий дастурни тайёрлашимиз, шунингдек халқаро стандартлар бўйича навларни рўйхатга олиш китобини тузишимиз лозим.

К.Махмадалиев (1997) 1995 йилги тажрибаларга яратилган барча дурагайлар фузариоз вилт билан ташқи белгилари бўйича 22,4-34,6 пояси кесиб кўрилганда 32,6-42,3% вертициллёз вилт билан ташқи белгилари бўйича 27,8-42,6 пояси кесиб кўрилганда 46,6-68,2% зарарланди. 1996 йилги тажрибаларда бу кўрсаткичлар фузариоз вилтдан тегишлича 17,1-28,30 19,4-48,5%, вертициллёз вилтда 21,4-32,3 37,3 37,2-48,5% бўлди. Кўриниб турибдики, олинган дурагайлар вилтни ҳар иккала турига ҳам нисбатан чидамли, демак келажакда улардан янги навлар яратишда фойдаланиш мумкин.

М.Халилов (1997) кузатишларида Қашқадарё вилояти типик бўз тупроқлари шароитида «Бухоро-6» ғўза навидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун ўғит меъёрлари N-200, P-400, K-125 килограммга ортиши ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига ижобий таъсир қилди. Лекин бунда иқтисодий самарадорлик математик жиҳатдан И-200, P-140, K-100 килограммга яқин бўлиб, пахтанинг пишиши бироз кечикди ва маҳсулот таннархига сезиларли таъсир кўрсатди.

И.Рахматов, А.Орипов (1997) олиб борган тажрибаларида хулоса қилиб айтиш мумкинки, янги «Термиз-24» ингичка толали ғўза нави суғориш таркибида бедапоядан кейин ғўза ўстирилган далада (узлуксиз ғўза)

ўстирилган далага нисбатан ЧДНС 70-70-65% бўлганда тупроқ унумдорлиги яхшиланиб ҳосилдорлик хар гектарига 7,5 центнерга ортади ва бунда бир галлик суғориш меъёридаги сув тежаб қолинади.

Назаров Р., Шаропов Э. (2000) ларнинг фикрича бошқа бир экологик шароитда нав яратиб, иккинчи шароитда кенг миқёсда экиб, ўстириш мувоффақиятсизликнинг асосий сабаблардан бири эканлиги фанда исботланган. Шунинг учун янги навлар эртапишар, маҳсулдор, касалликларга чидамлигина эмас, балки ўзида муҳит ўзгаришига юқори даражада мослашни хусусиятини мужассамлаштирган, шунингдек, нам камчил шароитга, агрошароит яхшиланишига мойил бўлиши ҳам керак. Барча агроэкология шароитларга, тоғ-олди ва пастекисликларда, сизот сувлари яқин ёки чуқур жойлашган, шўрланган ва шўрланмаган ерларда бир хил ўсиб, мўл ҳосил берадиган навлар яратиш қийин. Лекин яхши навлар, одатда шароит муносабатига, яхши мослашувчанлигига қараб кенг майдонларда экилаверади.

Мадрахимов И., Ахмедов Ж., Хасанов Э., Шарипов Э. (2000) ларнинг тажриба натижасига кўра ўрганилган навлар ичида 1000 дона чигит оғирлиги, унувчанлик қуввати ва унувчанлиги бўйича ҳам юқори натижаларга эга бўлган «С-4914», «С-4535», «Омад» ва Оққўрқон 3» навларининг 4 см чуқурликка экилган уруғлари дала шароитида униб чиқиш тезлиги ва униб чиқиш миқдорига кўра ҳам 3 см чуқурликка экилган вариантлардагидан устун. Демак, уруғлик чигит қанчалик йирик ва салмоқдор бўлса унинг сифати шунчалик юқори бўлади.

Тажриба натижалари кўрсатдики, тадқиқот олиб борилган навларнинг уруғларини 3-4 см чуқурликда экиб, дуркун ва текис кўчатга эга бўлиш мумкин.

Назаров Р., Ибрагимов П., Ёқубов М., (2001) ларнинг кузатишича 2001 йилда дунё бозорида рақобатбардош бўладиган ғўза навларининг экин майдони кенгайтирилди. «Омад» нави 2000 йили 5 минг гектарга экилган

бўлса, 2001 йили 26 минг гектарга экилди. «Оқдарё 6» нави 30 минг гектардан 97 минг гектарга кўпаядиган бўлди.

Шамсиев А. (2001) нинг тажриба натижаларига кўра Тошкент вилоятининг ер ости сувлари сатҳи чуқур жойлашган оғир қумоқли типик бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг районлаштирилган янги «Оқдарё 5» навини парваришlashда суғоришни ЧДНС га нисбатан 65-70-60 фоиз ўтказган маъқул. Бунда пахтадан мўл ҳосил етиштиришга ҳамда сувдан самарали фойдаланишга имкон яратилади.

Назаров Р. (2001) нинг кузатишича, бугунги кунда Андижон вилоятида 4-5 та янги нав синаб кўрилмоқда. Қашқадарёда ҳам шундай қилинмоқда. Наманган, Сирдарё, Сирхандарё, Тошкент, Фарқона ва Хоразм вилоятларида эса 4 тадан нав районлаштирилган. Бу вилоятларда 2-3 тадан Янги нав, Жиззах, Навоий ва Самарқанда 3 тадан асосий нав ва 2-3 тадан янги нав экиляпти. Холбуки, дунё бозорида пахтани энг қимматга сотаётган Мисрдаги ҳар бир вилоятда ғўзанинг биттадан нави экилади, холос. Бу тартиб бизда ҳам жорий этилиб, 2002 йилда ҳамма туманларда биттадан, вилоятда эса 2 та асосий ва 2 та янги, 2004 йилдан вилоятда битта асосий ва иккита янги нав экилса ишимиз илгарилаб борар, ғўза навларининг наводорлигини 2008-2010 йилларда талаб даражасигача етказиш мумкин бўлар эди.

Бобоев Я.А., Ким Р.Г., Амантурдиев А.Б. (2002) ларнинг ғўза дурагайларни тезпишарлик бўйича олиб борган илмий изланишларидан куйидаги хулосаларга келишган. Ғўзанинг тезпишарлик белгиси ўсимлик баландлиги белгиси билан айрим дурагай комбинацияларида кучсиз ва ўртача боғланиш намоён қилди. Қолган белгиларда бу хосат сезиларли даражада намоён бўлмади. Ўз навбатида бу маълумотга таянган холда келажакда ғўзанинг янги тезпишар ва бошқа қимматли белгилари мужассамлашган навларини яратиш имконияти бор эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳозирги кунда лабораториямизда ушбу намуналар устида изланишлар давом эттирилмоқда. Бир нечта тезпишар ва хўжаликка

қимматли белгилари юқори бўлган тизмалар яратилди. Бу тизмалар келажакда республикамиз пахтачилик соҳасида ўз ижобий аксини топади.

Бобоев Я.А., Ким Р.Г., Амантурдиев А.Б. (2002) ларнинг олиб борган тажриба натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, ғўза маҳсулдорлиги кўсак сони ва йириклиги қимматли хўжалик белгиларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ирсийланади. Қайсики, бу навбатида пахтачиликда юқори маҳсулдорликка эга бўлган навларни яратиш мумкинлиги имконияти борлигини англатади. Ғўзанинг маҳсулдорлиги юқори бўлган навларни яратилиши, ҳозиргаи кунда пахтачиликда юқори ҳосил олиш учун энг асосий йўналиш ҳисобланади.

Мунасов Х., Муратов Ў., Қўчқаров О., Алихўжаев С.С. (2002) ларнинг олиб борган тажриба натижаларига асосланиб, бундай хулосага келиш мумкин: эртапишарлик белгиси ирсий белги бўлиб, у авлоддан – авлодга берилади, шу билан бирга ташқи муҳит ҳамда агротехник чора – тадбирларга бевосита узвий боғлиқ, ҳосилдорлик эса асосан кўпроқ агротехникага ҳамда ўрганилаётган тизмаларнинг ирсиятига боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

С. Саақова, Н.Хўжамберганов, Ш. Намозов (2002) ларнинг кузатишича кўпгина мамлакатлар тажрибасида маълумки, бир гектар майдондан олинadиган умумий тола ҳосили навининг қийматини белгилашда асосий мезон ҳисобланади. Шунинг учун синовда бир гектардан олинadиган толани аниқлашга катта эътибор қаратилди. Тажрибамизда ўрганилган янги тизмаларнинг умумий тола ҳосилдорлиги кўрсаткичлари андозини навлар («Наманган -77», 10,4 ц/га ва «С-6524» 11,05 ц/га) га нисбатан анча юқори, яъни «Т-1314» 16,4 Ц/га, «Т-426» 15,1 ц/га, «Т-789» 14,8 ц/га, «Т-4880-у» 14,7 ц/га, «РЛ-60» 14,4 ц/га, «Т-5474» 13,9 ц/га, «Т-99» 13,7 ц/га эканлигини таъкидлади.

А. Қосимов, М. Дадажонов (2002) ларнинг тажриба натижаларига кўра бир туп ўсимлик бўйича биринчи авлод (F₁) «Андижон -33» х

«Андижон-34» (72,3) «Андижон -16»х «Андижон-33» (70,5г) «Андижон-60»х «Андижон-16» (65,3 г), «Гулсара» х «Андижон-60» (64,1 г), «Наманган-77»х, «Гулсара» (66,6 г) дурагайлари ҳосил юқори бўлди.

С. Саакова., Н.З.Хожамберганов., Ш.Номозов. (2002) лар «ЎзФСУИТИ қошидаги янги навларни олдиндан кўпайтириш ва синаш» лабораторияси янги навларга ҳолисона баҳо бериш мақсадида институтнинг катта нав синаш шахобчасига тавсия қилинган 12 та тизмани 2000 йилни синовдан ўтказди. Натижада ҳар бир гектардан олинадиган ҳосилни белгилашди кўсак вазнининг ҳам ўзига хос аҳамияти бор. Янги тизмаларда кўсак андоза навлардагига («Наманган-77»-5,7 г , «С-6524»-5,9 г) нисбатан 0,3-1,0 граммга оғир эканлиги аниқланди. Айниқса, «Т-218» (6,52 г), «Т-387» ва «Т-4880-у» (6,22 г), «РЛ-60» (6,7 г) тизмаларининг кўсаги сезиларли даражада йирик бўлди.

А.Қосимов, М.Дадажонов (2002) ларнинг олиб борган тажрибаларига кўра чатиштириш учун бошланғич материал сифатида тола чиқиши юқори бўлган Андижон 60, Андижон 16, Андижон 33, Андижон 34, Наманган-77 ва Гулсара навларини диолел усулда чатиштириб олган дурагайларида кўйидагича натижаларга эришган. Бир туп ўсимлик бўйича биринчи авлод (F_1) Андижон 33 х Андижон 34 (72,3), Андижон 16 х Андижон 33 (70,5 г), Андижон 60 х Андижон 16 (65,32), Гулсара х Андижон 60 (64,12), Наманган 77 х Гулсара (66,6г) дурагайларида ҳосил юқори бўлди.

М. Тожиев, Г. Қурбонова, Қ. Тожиев, О. Хўжманов (2003) ларнинг фикрича пахтачилик илмий тадқиқот институтининг Сурхондарё филиали далаларида ғўза навларини жойлаштириш юзасидан қатор тажрибалар олиб борилмоқда. Хусусан, 2000-2002 йилларда тажрибалар жараёнида ғўзанинг Бухоро-6, Оққўрғон-2, Наманган-77, Армуғон каби ўрта толали туманлаштирилган навлари билан бирга, Ат-Термизий, Андижон-33, Оқдарё-6, Сурхондарё-12 (С-2), Денов каби янги истиқболли навлари шунингдек ингичка туманлаштирилган Термиз-31 ва Термиз-40, Термиз-42, Термиз -34

ва Сурхон каби янги истиқболли навларнинг сув, озуқа ва кўчат қалинликлари ўрганилди.

Т. Яминов, О. Абдураимов (2004) 1997-1998 йиллари Андижон вилояти Балиқчи тумани «Чинобод» жамоа хўжалигида «Меҳр» нави катта майдонларга плёнка остига экилиб, пахта етиштирилганда ҳосил гектаридан режадаги 31,5 ўринга 35,1 центнерни ташкил этди.

Қосимов А. (2006) ғўзанинг янги тизимлари устида олиб борган тажрибаларига кўра, айрим хўжалик учун қимматли белгилари билан бир қаторда ўзларининг тола турлари ҳамда микронейр кўрсаткичлари бўйича энгил саноат талабларига жавоб берганлиги ва хўжалик белгилари андоза навлардан устун бўлганлиги учун 337, 915, 110 рақамли тизмалар Давлат навлар тозалигини назорат қилиш (Грунт контроль) комиссиясига синаш учун тавсия этган.

О.Махмудов, А.Қосимов, А.Исмонов (2006) лар ғўза тизмалари устида олиб борган тажриба натижаларидан куйидаги хулосаларга келишган. Селекция йўли билан эртапишар нав чиқаришда Л-445 ва Л-44 тизмаларидан қисқа гуллаш фазаси бўйича бошланғич материал сифатида фойдаланиш мумкин. Ўрганилган Л-445 ва Л-44 тизмаларини бошқа хўжалик учун қимматли белгиларини ўрганиб, нав даражасига кўтариш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Ш. ТАДҚИҚОТЛАР БЎЛИМИ

3.1. Тажриба ўтказилган хўжаликнинг умумий тавсифи

Тажриба 2011 йилда Андижон вилоят Андижон туман Ўқув тажриба хўжалиги шароитида олиб борилди. Ушбу хўжалик ҳудуди Андижон вилоятининг Андижон туманида (Андижон вилоятига нисбатан шимолий – шарқ йўналишда) бўлиб, жуғрофик жиҳатдан ўрни: 40°60' шимолий ва 72°25' шарқий кенгликларда ҳамда денгиз сатҳидан 540,2 м. баландликда жойлашган. Об-ҳаво шароити асосан Андижон вилояти учун умумий бўлиб, кундуз кунлари иссиқ ва кечалари салқин бўлади. Ёзда асосан булутсиз кунлар бўлиб, қуёш нурининг тик тушиши натижасида ҳарорат юқори бўлиб, ёгингарчилик кам бўлади. «Андижон» метеостанцияси маълумотларига кўра, кўп йиллик ўртача ёгин миқдори 380 мм.ни ташкил қилган. Баҳордаги тупроқнинг юза қисмининг музлаш ҳарорати асосан март ойига тўғри келади. Кузги тупроқнинг устки қатламининг музлаш ҳарорати эса ноябр ойига тўғри келади.

Тажрибалар ўтказилган йилларда ҳаво ҳарорати ўртача кўп йиллик ҳароратга яқин бўлиб, тажрибаларга ижобий таъсир кўрсатди, натижада ўсимликлар ривожини мўътадил бўлди.

Тажриба ўтказилган ерлар бўз тупроқли бўлиб, ер ости сувлари 2-3 м. чуқурликда жойлашган.

Чигит тез ва бир текис униб чиқиши, ғўза парвариши ҳамда суғорилишининг сифатли бўлишини таъминлашда ерларни экишдан олдин жорий текислаш катта аҳамиятга эга. Сифатли текисланмаган далаларда ниҳоллар бирин-кетин униб чиқиб, улар орасидаги тафовут 6-7 кун ва ундан ҳам кўпроқни ташкил этади. Бунинг натижасида, ғўзаларнинг сувга, ўғитга талабчанлиги ҳар хил бўлиши туфайли кўсаклар бир вақтда пишмайди ва ҳосилни бир вақтда териб олиш имконияти бўлмайди. Шунинг учун, тажриба майдонимизда агротехник тадбирларни юқори савияда ўтказишга ҳаракат қилинди: кузда ер майдонлари ғўзапоядан тозаланиб, 30-35 см. чуқурликда

шудгор қилинди. Тупроқда жорий текислаш ўтказилиб чекларга ажратилди. Баҳорда ҳавонинг ва ердаги тупроқ ҳароратининг мўътадил бўлиши билан тупроқдаги намликни сақлаб қолиш ва ўсиб келаётган бегона ўтларни йўқ қилиш мақсадида бороналаш тадбирлари ўтказилди.

Эртапишар, юқори пахта ҳосилини етиштиришда чигит экиш муддатлари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Тупроқнинг 10 см чуқурликдаги ўртача суткалик барқарор ҳарорати 12⁰С даража бўлганда, дала шароитида чигитлар 90x20-1 тартибда экилди. Чигит 3-4 см. чуқурликда, ҳар бир уяга 5-6-тадан қилиб экилди. Кўчатлар ернинг табиий намлигида ундириб олинди. Қолган барча агротехник тадбирлар Марказий тажриба хўжалигида қабул қилинган усулда олиб борилди.

Ўғитлардан нотўғри меъёрларда фойдаланиш ва ўсимликларни озуклантириш муддатларини бузиш, ғўзанинг ривожланишида ўзгариш содир бўлишида, жумладан гуллар, тугунчалар ва кўсаклар тўкилишида, пахтанинг кеч пишишида ҳамда тола сифатининг пасайишига сабаб бўлади. Шуларни назарда тутган ҳолда, ўсимликларни ўсув даврида гектарига 150 кг азот (N), 80 кг фосфор (P) ва 75 кг калий (K) минерал ўғитлари берилди. Ҳар бир ўғитлаш жараёнидан сўнг суғорилиб, ер етилиши билан чопикдан ўтказилди. Тажриба майдончасидаги олиб борилган агротехник ишловлар юқори савияда олиб борилди.

3.2. Тажриба ўтказиш услубияти

Дала тажрибаси – бу дехқончиликдаги турли муддатларни илмий асосда ўрганишнинг асоий тадқиқот усулидир. Дала тажрибасининг синалаётган қишлоқ хўжалик экинларини ҳар хил табиий ва хўжалик шароитларида ўстириш усларига илмий-агрономик ва иқтисодий жиҳатлардан қиёсий баҳо берилади.

Тажрибада ўрганилаётган омилларнинг миқдориغا, тажриба муддатининг давомийлигига ва тупроқ иқлим шароитининг хилма-хиллигига боғлиқ ҳолда улар бир омилли, кўп омилли, қисқа муддатли, кўп йиллик ва

бошқаларга бўлинади. Ишлаб чиқариш шароитидаги тажрибаларда бирор агротехник тадбирга ёки навга хосилдорликнинг ортиши ва хосил сифатининг яхшиланиш нуктаи назардан баҳо берилади. Бизнинг тажрибамиз ҳам ана шундай тажрибалар жумласига киради.

Тажриба ўтказилганда хатоликка йўл қўймасдан аниқ маълумот олиш учун қўлланмалардан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам биз УзПИТИ томонидан чиқарилган тажриба қўйиш услуби ва институтимиз домлалари томонидан чиқарилган услубий қўлланмалардан фойдаландик.

Тажрибада ғўзанинг *G.hirsutum* турига мансуб С-6524, Андижон-35 ва Андижон-36 навларидан фойдаландик.

Тажрибани дала шароитида ўтказдик. Навларни далага УзПИТИ томонидан ишлаб чиқилган услубият асосида жойлаштирдик. Тажриба асосан ўртача ўлчамли вариантларда ўтказилди. Тажриба 4 қайтариқ 3 вариантдан иборат бўлиб далада битта ярусда системали жойлаштирилди. Хар бир вариант 2 қатордан иборат бўлиб узунлиги 20 метр. Хар бир вариантнинг ўлчами 36м^2 ни ташкил қилди. Бир қайтариқ майдони 108м^2 , умумий тажриба майдони эса 432м^2 ни ташкил қилди.

Тажриба майдонига чигит 90x20-1 схема бўйича экилиб, яганадан кейин хар бир уяда биттадан соғлом кўчат қолдирилди. Ғўзанинг вегетация даврида қуйидаги фенологик кузатув ва хисобот ишлари олиб борилди.

1. Ўсимликларни 50% униб чиқиши, гуллаш ва пишиш фазаларини давомийлиги аниқланди.
2. Шоналаш, гуллаш ва пишиш фазаларида ўсимликларни бўйи ўлчанди.
3. Гуллар сони аниқланди.
4. Моноподиал ва симподиал шохлар сони аниқланди.
5. Пишган ва хом кўсаклар сони аниқланди.
6. Терим олдидан қайтариқлар бўйича хар бир вариантдан 50 тадан кўсак пахта лаборатория анализи учун териб олинди.
7. Теримлар бўйича хосил миқдори аниқланди.

Тажрибани далага жойланиш схемаси

Анджон-36	Анджон-35	St C-6524	Анджон-36	Анджон-35	St C-6524	Анджон-36	Анджон-35	St C-6524	Анджон-36	Анджон-35	St C-6524
IV-Қайтарик			III-Қайтарик			II-Қайтарик			I-Қайтарик		

Пахта хосилдорлигининг қайтариқлар бўйича хатолиги Б.А.Доспехов (1985) томонидан ишлаб чиқилган дисперсион анализ ёрдамида топилди.

Ўсимликларни униб чиқиши, шоналаш, гуллаш ва пишиш фазалари делянкалардаги уя ва ўсимликларни кузатиш билан аниқланади. Бошқа фенологик кузатиш ва хисоботлар доимий белгиланган ўсимликларда ўтказилди. Хар делянкада 10 тадан ўсимлик доимий белгилаб қўйилди.

Униб чиққан ўсимликларни хисобга олиш делянкада бир кўчат пайдо бўлган кундан бошлаб, кунаро хисобга олиб борилди. Униб чиққан кўчатларнинг сони делянкалардаги умумий уялар сонини 50% ни ташкил этгунча давом эттирилди. Шоналашни хисобга олиш анча қийин бўлганлиги учун хар бир делянкада 10 туп ўсимликка биттадан шона пайдо бўлган кундан кунаро ўтказилди. Шу 10 туп ўсимликни 5 тупида шона пайдо бўлгандан кейин кузатиш тўхтатилди. Гуллаш ва кўсакларни очилишини хисобга олиш делянкадаги барча ўсимликларда кунаро ўтказилди. Делянкадаги ўсимликларда гул ёки очилган кўсак пайдо бўла бошлаган кундан токи 50% ўсимлик гуллагунча ёки кўсакларнинг очилгунча кузатиш давом эттирилди.

Ўсимлик бўйини аниқлаш учун хар бир делянкада доимий ажратилган 10 туп ўсимликдан фойдаланилди. Хар бир ўсимликни бўйини ўлчаш учун 2 метр узунликда метр таёқ тайёрланди ва ўсимликни илдиз бўғзидан ўсув нуқтасигача бўлган қисми ўлчанди.

Моноподиал ва симподиал шохлар, гуллар, пишган ва хом кўсаклар сонини аниқлаш учун ҳам доимий ажратилган ўсимликлардан фойдаланилди. Юқорида айтилган кўрсаткичларнинг сони ажратилган ўсимликларда санаб чиқилди ва бир туп ўсимликда ўртачаси аниқланди.

Териб олинган 50 дона кўсак пахта намунасидан лабораторияда 1 та кўсак пахтасининг вазни, тола узунлиги, тола чиқиши ва 1000 дона чигит вазни аниқланди.

Қайтариқлар бўйича хар бир вариантнинг пахта хосили алохида қилиниб териб олинди ва қуйидаги формула билан гектарга айлантирилди.

$$K = \frac{1ga}{M}$$

Бу ерда : 1 га – 1 га майдон юзаси, м²

M – 1 та вариант майдон юзаси, м²

Натижани хар бир вариантдан чиққан пахта хосилига кўпайтириб хосилдорли аниқланади

С-6524 навини тавсифи

Ўзбекистон гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий текшириш институтида яратилган.

Муаллифлар: Автономов А.А., Автономов В.А., Рыстаков В.С., Йулдошев Т.Й., Цыба А.Т. Хирзутум турига мансуб.

1988 йилдан Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 115-120 см, ихчам, ётиб қолмайди. Барги уртача катталикда, тук-яшил рангда. Гули ўртача катталикда, оч-сарик рангда булиб, доғсиз. Кўсаги тухумсимон, яхши очилади, хосили тукилмайди. 1000 дона чигитнинг оғирлиги 121 г..

Пахтанинг ўртача хосилдорлиги гектарига 34,0 (Охунбобоев НСШ)-37,1 ц. (Пскент НСШ)..

2000 йил Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий хосилдорлик гектарига 45,8., 30 сентябрдаги теримда, хосилдорлик гектарига 38,1 ц.

Вегетация даври 127 (Охунбобоев НСШ) - 131 кун (Богдод НСШ).
 Битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 4,8-5,5 г. Тола чиқиши 34,3-36,2 %.
 Вилт билан касалланиш даражаси 9,7 % (Богдод НСШ)-52,9% (Охунбобоев НСШ) гача.

"Сифат" маркази маълумотига кўра тола сифати кўрсаткичлари:

микронейр 4,3-4,7, тола узунлиги (УНІ) 1,10-1,14 дюйм, тола узунлиги (код) 35-37, нисбий узилиш кучи 29,1-32,5 гс/текс.

Андижон 35 навини тавсифи

Нав Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти (ЎзПИТИ) Андижон филиалида 2000 йили селекциячилар Т.Комилов, Х.Эгамов ва бошқалар томонидан яратилган, 2000-2005 йиллари Давлат нав синаш тармоқларида текиширилган. Навнинг амалий синовлари Андижон вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида 2006 йилгача олиб борилган 2006 йилдан Давлат рестирига киритилиб кенг майдонларда жорий этиш учун рухсат этилган.

«Андижон 35» навининг тупи конуссимон шаклда, бўйи 100-110 сантиметр. Пояси мустахам, ётиб қолмайди, кучсиз тупланган. Шоналаши 2 турга мансуб, биринчи ҳосил шохи 6-7 бўғиндан чиқади, ўртапишар навлар сирасига киради, амал даври 123-125 кун. Барглари ўртача катталиқда, 3-5 бўлмали, қирқилгансимон, кучсиз тупланган. Гули ўртача катталиқда, гултож барглари оч сариқ, ҳам оч сариқ рангда. Кўсаклари ўртача катталиқда, овалсимон, 4-5 чанокли, тумшуқчали. Бир кўсақтаги пахта вазни 6,0-6,2 грамм. Чигитни тукли, кулранг, 1000 дона чигит вазни 119-125 грамм.

Навнинг тола хусусиятлари: оқ рангли, узунлиги 33,5-34,5 миллиметр, тола чиқиши 36-37 фоиз, пишиқлиги 4,7-5,0 грамм/куч, нисбий узилиш узунлиги 28,6 грамм куч/текис, метрик рақами 5850-5950, микронейри 4,7-4,8, V-саноат турига мансуб.

«Андижон 35» навини тупроқи унимдор майдонларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ келади. Уни муайян майдон тупроқ шароитига, ернинг нишоблиги, рельефига монанд холда 60 ва 90 сантиметрли қатор ораларга экиш мумкин. Ҳар бир уяда 1 донадан ўсимлик қолдириладиган экиш тартибини қўллаш мақбул бўлади.

Мақбул чигит экиш муддати оддий, очиқ усулда 1-20 апрел, плёнка усулида 20-30 март. Бу муддат йил шароитига кўра 3-4 кун олдин ёки кеч бўлиши мумкин.

Чигит экиш чуқурлиги бошқа навлардан фарқ қилмайди. Чигит экиш олдидан яхоб суви берилган майдонларда экилган бу нав чигити тез кунда, кийғос униб чиқади, соғлом, дуркун ўсиб ривожлана бошлайди. Чигитни униб чиқиши учун тупроқ намлиги ертали бўлмаган далаларда чигит суви бериб уруғларни тўла униб чиқиши таъминланади. Чигити текис униб чиққан майдонларда ўсимлик ўртача 1,5 чинбарг ҳосил қилганда янгилашиш ўтказилади.

Мазкур нав учун муайян даланинг тупроқ шароитига қараб кўчат қалинлиги қолдирилади. Хусусан, тупроқ унумдорлиги юқори майдонларда гектар ҳисобига 80-90 минг туп, ўртача унумдор тупроқли далаларда 90-100 минг туп, тупроқ унумдорлиги паст, тошлоқ, адирли далалар шароитида 100-120 минг туп кўчат қалинлиги тавсия этилади.

«Андижон 35» ғўза навини амал даврида биринчи марта суғориш тупроқ шароити ҳамда ўсимлик ҳолатига қараб сизот суви чуқур жойлашган майдонларда бир туп ўсимлик ўртача 6-7 чинбарг чиқарганда ёки шоналаш даври бошланганда, сизот суви юза жойлашган тупроқ шароитида эса (захкаш ерларда) ёппасига шоналаш даврида ўтказилади. Кейинги амал сувлари ўсимлик ҳолатига қараб, сувга талаб сезилганда ўтказилаверилади. Бу навга ўта захлатиб ёки юқори суғориш меъёрида сув қўйиш салбий таъсир этади.

Мазкур нави маъдан ўғитлар билан озиклантиришнинг йиллик меъёри: азот билан 250 кг/га, фосфор билан 175 кг/га, калий билан 125 кг/га, нисбати эса 1:07:05 бўлиши лозим. Маъдан ўғитлар билан озиклантириш кечи билан оддий усул қўлланган майдонларда эса 20 июнда тугатилиши керак.

Бу нав парваришланаётган далаларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурлиги, камров кенлиги, сони амалдаги тавсияларга мос келади.

«Андижон 35» навини чилпиш муайян майдондаги ғўзанинг кўчат қалинлигини ҳисобга олиб ўтказилади. Нав кўчат қалинлиги гектар ҳисобига 80-90 минг туп бўлганда бир туп ўсимлик ўртача 14-15 ҳосил шохи, 90-100 минг туп бўлганда 13-14 ҳосил шохи, 100-120 минг туп бўлганда эса 12-13 ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш тадбирини амалга ошириш тавсия этилади.

Чилпиш оддий усулда чигити экилган ғўзаларни 5 августда, плёнка усулида экилган ўсимликларни 20 июлда якунланади.

Ушбу ғўза нави парваришланаётган майдонларда бегона ўтлар, хашоратлар ва касалликларга қарши кураш тадбирлари ҳамда дефолиация ўтказиш бошқа навлардан фарқ қилмайди. Бу агротадбирлар амалдаги тавсиялар асосида амалга оширилади.

Ўзанинг «Андижон 35» нави юқори агротехникавий савияда, ушбу илмий тавсияларга риоя қилинган холда парвариш қилинса гектар хисобида 40-45 центнер сифатли ва эртаки пахта хосили етиштириш имконияти яратилади.

Андижон-35 нави 2010 йил Фарғона водийси вилоятларида 75 минг гектарга экилди.

Андижон-36 навини тавсифи

Нав Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти (ЎзПИТИ) Андижон филиалида 2001 йили яратилган. (175-Фх Андижон-13х Андижон-21) Муалифлар: М. Дадажонов, А. Қосимов ва бошқалар. Давлат нав синаш тармоқларида 2002-2010 йилларда текширилган. Айнан шу йилларда Андижон вилояти тупроқ-иқлим шароитида амалий синовлардан ҳам ўтказилган.

«Андижон 36» навининг тупи цилиндрсимон шаклда, бўйи 110-120 сантиметр. Пояси мустаҳкам, ётиб қолмайди, куячсиз тукланган. Шохланиш тури -1, ўсув шохлар сони 0-1 дона бўлади. Биринчи ҳосил шохи 5-6 бўғиндан чиқади, ўртапишар навлар сирасига киради, амал даври 122-125 кун.

Барглари ўртача катталигда, 3-5 бўлмали, қирқилгансимон, ўртача тукланган.

Гули ўртача катталиқда, гултож барглари оч сариқ кўсақлари ўртача катталиқда, овалсимон, 4-5 чаноқли, тумшуқчали. Бир кўсақдан пахта вазни 5,5-6,0 грамм. Чигити тукли, кулранг, 1000 дона чигит вазни 108-115 грамм.

Навнинг тола хусусиятлари: оқ рангли узунлиги 34-35 миллиметр, тола чиқиши 38,6 фоиз, пишиқлиги 4,6 грамм/куч, нисбий узилиш узунлиги 28,4 гк/текс, метрик рақами 6130, микрометри 4,6, IV-саноат тупига мансуб.

Ўзанинг янги «Андижно 36» навини тупроғи унумдор майдонларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Уни муайян тупроқ шароитига, ернинг нишаблигига, рельефига монанд ҳолда 60 ва 90 сантиметрли қатор ораларга экиш мумкин. Чигитни қўш қаторлаб экишга, плёнка усулини қўллаб экишга мос.

Хар бир уяда бир донадан ўсимлик қолдириладиган экиш тартибини қўллаш ўзани ўсиши, ривожланиши ҳамда пахта ҳосилдорлигига ижобий таъсир этади.

Мақбул чигит экиш муддати оддий, очиқ усулда 1-20 апрел, плёнка усулида 20-30 март. Бу муддат йил шароитига қараб 3-4 кун олдин ёки кечроқ бўлиши мумкин чигит экиш чуқурлиги, бир уяга ташланадиган уруф сони бошқа навларникидан фарқ қилмайди.

Чигит экиш олдидан яхоб суви берилган майдонларда бу нав чигити тез кунда қийғос униб чиқади, соғлом, дуркун ўсиб ривожлана бошлайди.

Чигитни униб чиқиши учун тупроқ намлиги етарли бўлмаган далаларда чигит сув бериб уруғларни тўла униб чиқиши таъминланади.

Чигитни текис униб чиққан майдонларда ўсимлик 1-2 дона чин барг чиқарганда яганалаш ўтказилади.

Мазкур нав учун муаян даланинг тупроқ шароитига қараб кўчат қанлиги қолдирилади. Хусусан, унумдорлиги юқори майдонларда гектар ҳисобига 80-90 минг туп, ўртача унумдор тупроқли далаларда 100-120 минг туп, тупроқ унумдорлиги паст, тошлоқ, адирли далалар шароитида 120-140 минг туп кўчат қалинлиги сақлаш тавсия этилади.

«Андижон 36» навини амал даврида биринчи марта суғориш, тупроқ шароити ҳамда ўсимлик ҳолатига қараб сизот суви чуқур жойлашган майдонларда бир туп ўсимлик ўртача 6-7 чинбарг чиқарганда ёки шоналаниш даври бошланганда, сизот суви юза жойлашган тупроқлар шароитида эса

(захкаш ерларда) ғўзани ёппасига шоналаш даврида ўтказилади. Кейинги амал давридаги суғоришлар ўсимлик ҳолати ва тупроқ намлигига қараб ўтказилаверилади.

Ушбу навни маъдан ўғитлар билан озиқлантиришнинг йиллик меъёри: азот -250кг/га, фосфор -175 кг/га, калий -125кг/га, нрсбати эса 1:07:05 бўлиши лозим.

Маъдан ўғитлар билан озиқлантириш кечи билан оддий, очик усул қўлланган майдонларда 10 июлда, плёнка усули қўлланган майдонларда 20 июнда тугалланши керак.

Бу нав парваришланаётган далаларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурлиги, қамров кенглиги, сони амалдаги тавсиялар асосида олиб борилади.

«Андижон 36» ғўза навини чилпиш муайян майдондаги ғўзанинг кўчат қалинлигини ҳисобга олиб ўтказилади. Нав кўчат қалинлиги гектар ҳисобига 80-90 минг туп бўлганда бир туп ўсимлик ўртача 14-15 ҳосил шохи, 100-120 минг туп бўлганда 13-14 ҳосил шохи, 120-140 минг туп бўлганда 12-13 ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш амалга оширилади.

Чилпиш чигити оддий, очик усулда экилган ғўзаларни 5 августда, чигити плёнка остига экилган ўсимликларни 20 июлда яқунланиши керак.

Мазкур ғўза нави парваришланаётган майдонларда бегона ўтлар, хашоратлар ва касалликларга қарши кураш тадбирлари ҳамда дефоляция ўтказиш бошқа навларникидан фарқ қилмайди. Бу агротадбирлар амалдаги тавсиялар асосида ўтказилаверилади.

Ўғзанинг «Андижон 36» нави юқори агротехникавий савияда, ушбу тавсияларга амал қилинган ҳолда парвариш қилинса гектар ҳисобидан 40-45 центнер сифатли ва эртаки пахта ҳосили етиштириш мумкин.

Андижон-36 нави водий вилоятларида 23 минг гектарга экилди.

3.3. Тажриба даласида экин ўстириш технологияси

Пахтачиликда юқори ва сифатли хосил олиш учун тупроқни экишга тайёрлаш ҳам катта ахамиятга эга. Тупроқ ўз вақтида шудгор қилинса, хайдов чуқурлигини бир хиллигига эришилса пахта зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтлар камаяди. Тупроқнинг нам тутиш қоблияти яхшиланади.

Хўжалигимиз қабул қилган агротехника қоидаларига асосан хар йили кузда 35-40 см чуқурликда сифатли қилиб шудгорлаш ўтказилади. Биз тажриба қўйган йили ҳам бу тадбир тўла амлга оширилди.

Шудгорлаш олдиан йиллик фосфорнинг 70%, калийнинг 50% солинди.

Бахорда чигит экишдан олдин ерлар текисланди. Борана ва мола қилинди, сўнгра тракторда қатор оралари 90 см дан қилиб эгат очилди. Шудай қилиб тайёрланган дала 50 метрдан қилиб делянкаларга бўлинди.

Ягана 2 марта ўтказилди. 1-марта 2-4 чинбарг чиқарганда, 2-марта ягана шоналаш даврида ўтказилди. Ягана ўтказиш кўчатларни сийракланишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари илдиз чириш, касалланиш ёки илдиз қурти каби зарарли омиллар ҳам сабаб бўлади. Шунинг учун яганалаш даврида касалланган, зарарланган ёки ўсишдан орқада қолган ўсимликлар олиб ташланди. Соғлом ўсимликлар схемага мувофиқ уяларда қолдирилди.

Ўзаларнинг илдиз системаси яхши ривожланиши, хаво алмашинишини таъминлаш ва бегона ўтларни йўқотиш ҳамда тупроқни юза қатламини юмшатиш яъни қатқалоқдан бўшатиш учун икки марта чопиқ ўтказилди.

Тажриба участкасида суғориш 2-3-1 схемада ўтказилди. Яъни гуллашгача 2 марта, хосил (гуллаш, мавалаш) даврида 3 марта ва пишиш даврида 1 марта суғорилди.

Агротеник тадбирлар

№	Бажарилган ишлар номи	Муддатлари						
		1	2	3	4	5	6	7
1	Шудгор олдидан ўғитлаш	20.XI						
2	Шудгор	23.XI						
3	Текислаш	1.XII						
4	Пушта олиш	10.XII						
5	Бараналаш	5.IV						
6	Чигит экиш	10.IV						
7	Ягана	25.IV	20.V					
8	Культивация	15.V	30.V	30.VI	10.VII	30.VII	10.VIII	5.IX
9	Суғориш	25.V	25.VI	5.VII	25.VII	5.VIII	30.VIII	
10	Озиқлантириш	10.IV	22.VI	2.VII	22.VII			
11	Чеканка	5.VIII	15.VIII	25.VIII				
12	Зараркунанда ва касалликларга қарши кураш	15.VII	25.VIII					
13	Терим	25.VIII	2.IX	15.XI	1.X			

Тажриба участкасида йил давомида 7 марта культивация ўтказилди. Биринчи культивация шоналаш даврида қолганлари эса суғоришдан сўнг ер етилган даврда ўтказилди. Ғўза ўсимлиги ўсиб ривожланган яъни шоналаш ва мевалаш даврларида культиваторни ишчи органларининг олди ва рамаси канор материали билан ўраб қўйилди, ўсимликни шикастламаслик учун.

Қатор ораларини ишлашдан мақсад: тупроқни юмшатиш, унинг озик, сув, хаво ва температура режимини яхшилаш ҳамда ерда нам тўплаш ва шу йўл билан ўсимликнинг нормал ўсиб ривожланиши учун қулай шароит

яратишдир. Ғўза қатор ораларини ишлаш кенглиги ва чқурлигини тўғри белгилаш жуда муҳимдир. Ғўза тупларига шикаст етказмаган ҳолда қатор оралари кенгроқ ишланса бегона ўтлар кўпроқ нобуд бўлади. Тажриба участкамизда биринчи, иккинчи культивация ишчи органлар ғўзадан 7,5-8 см қочириб ўрнатилди. Гуллаш мевалаш даврида химоя зонасини 10-12 см қилиб ўтказилди.

Ғўзалар 4 марта биринчи – экиш билан бирга, иккинчи – шоналаш даврида, учинчи ва тўртинчи гуллаш ва мевалаш даврларида тажриба хўжалигида қабул қилинган нормада азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар билан ўғитланди. Экиш даврида азот ва фосфорнинг йиллик меъерини 15-20% берилди. Шоналаш даврида азотни 30%, калийни 25% берилди. Гуллаш даврида эса азотни 30%, калийни 25% ва фосфорни 15% берилди. Азотнинг қолган 20% мевалаш даврида берилди. Ўғитларни тўғри меъёр ва муддатларда бериш ўсимликнинг яхши ўсиб ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Ғўза учун ўргамчаккана, шира, тамаки триписи ва кемирувчилар – кузги тунлам, ғўза тунлами, карадрини, чигирткалар жиддий хавф туғдирадиган зараркунандалардир. Тажриба участкамизда зараркунандаларга қарши 2 марта кураш чоралари ўтказилди. Биринчиси ғўза гуллаш даврида шира ва ўргамчакканага қарши олтингургут ОВХ-14 мосламаси ёрдамида ғўзага пурқалди. Иккинчи марта августни охирида биринчи қарши кураш чораси такрорланди.

Пахта терими 4 марта ўтказилди ҳар бир вариантнинг пахтаси алоҳида тортиб олинди.

IV. ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ

Бутун ўсув даври давомида ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишини кузатиб бориш тадқиқот натижаларини тўғри баҳолашда катта аҳамиятга эга.

Ривожланиш фазаларини ҳисобга олиш ҳар бир экинни ўзига хос биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Ҳисобга олинаётган ўсимликлар сони қанчалик кўп бўлса, у ёки бу ривожланиш фазасини, бинобарин бошқа бир жараёнини характерловчи маълумотлар шунчалик аниқ чиқади.

Кузатиш ва ҳисоб-китобларни мураккаблигига, шунингдек уларни ўтказиш учун кетадиган вақтга боғлиқ ҳолда кузатишнинг турли хиллари учун ҳисобга олинадиган ўсимликлар сони турлича бўлади.

4.1. Ривожланиш фазаларининг давомийлиги

Чигитдан униб чиққан ғўза ниҳоллари янги чигит пишгунга қадар маълум ривожланиш фазаларини ўтайди. Ғўза ривожланиш жараёнида 5 та асосий фазани ўтайди. Булар униб чиқиш, чинбарг чиқариш, шоналаш, гуллаш, пишиш.

Бу фазалар ўсимликни бир асосий фазадан иккинчи асосий фазага ўтишини ҳозирлайди. Ривожланиш фазаларининг давомийлиги ғўза шакллариининг биологик хусусиятларига, жумладан тезпишарлик ва узоқ муддат яшовчанлик қобилиятларига шунингдек, ўсиш шароитларига боғлиқ.. Ғўза тезпишар ва ўсиш шароити қулай бўлса, ривожланиш фазалари шунчалик қисқа бўлади, аксинча ғўза кечпишар ўсиш шароитлари ноқулай бўлса, ривожланиш фазалари шунчалик узоқ давом этади.

Кейинги вақтларда олимларимиз тезпишарликни аниқлаш учун ғўзанинг гуллашгача ва пишишгача давомийлигини ҳисобга олишмоқда. Қўзанинг баъзи навларида гуллаш давомийлиги қисқа пишиш давомийлиги узоқ бўлмоқда айримларида эса аксинча. Шунинг учун ҳам биз

Вўза навларининг ривожланиш фазаларини давомийлиги

№	Вариантлар	Ўтган кунлар						
		50% униб чиқиш, кун	St фарқи	50% униб чиқишдан 50% гуллашгача ўтган кун	St фарқи	50% гуллашдан 50% пишишгача ўтган кун	St фарқи	Вегетация даври
1	St C-6524	15		61		59		120
2	Андижон-35	13	-2	63	+2	54	-5	117
3	Андижон-36	14	-1	65	+4	54	-5	119

тажрибамиздаги навларни гуллашгача ва пишишгача давомийлигини хисоблаб чиқдик.

Тажриба даласида чигитни униб чиқиши 4 та қайтариқни ҳар бир вариантларида белгиланган хисоб майдонларида олиб борилди. Униб чиқишни текшириш 13.04, 16.04, 18.04, 22.04 кунлари ўтказилди. Аввалам бор шуни такидлаб ўтиш керакки чигитлар экишдан сўнг хавонинг пасайиб ёғингарчиликни кўп бўлганлиги сабабли униб чиқиш анча кечга сурилди. Ўрганилган вариантларда униб чиқиш давомийлиги бўйича деярли катта ўзгариш кузатилмади. Назорат С-6524 навида нисбатан Андижон-35 нави 2 кун, Андижон-36 нави эса 1 кун эрта униб чиқди. Кейинги ривожланиш фазаларида ўзалар анча жадал ўсиб риволанди. Июл ойининг бошларида ўзалар гуллашга кира бошлади. Бу эса гуллаш фазасини бошланганлигини билдирди ва хисобга олиш ишларини бошладик. Униб чиқишдан 50% гуллашгача ўтган муддат бўйича ҳам вариантлар орасида унча катта ўзгариш кузатилмади. Назорат варианты тажрибадаги вариантларга нисбатан эртароқ гуллади. Андижон-35 нави 2 кун Андижон-36 нави эса 4 кун кеч гуллади.

Тажрибадаги ўзалар тўла гуллагандан сўнг кўсакларни ҳосил бўлиши ва очилиши анча жадал кечди. 50% гуллашдан 50% пишишгача тажриба вариантлари анча жадал ривожланди, натижада кўсаклар анча эрта очилишга киришди. Назорат вариантыга нисбатан Андижон-35 ва Андижон-36 навлари 5 кун эрта пишишга киришди. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики умумий вегетация даврининг давомийлиги бўйича энг яхши натижа Андижон-35 навида (117 кун) кузатилди. Андижон-36 нави ҳам назорат вариантыга нисбатан 1 кун эрта пишди.

Ривожланиш фазаларининг давомийлиги бўйича назорат С-6524 нави 50% гуллашгача ўтган вақт анча тез кечган бўлса гуллашдан пишишгача муддати бироз чўзилди. Тажрибадаги вариантларда эса бунинг акси бўлиб чиқди.

4.2. Ғўза навларининг ўсиши ва ривожланиши

Организмдаги белгиларни вазнини ортиб бориши ўсиш дейилади. Организмда янги белгиларни пайдо бўлиши эса ривожланиш дейилади. Ўсимлик қанчалик тез ўсиб ривожланса шунчалик мўл ва сифатли махсулот олинади. Ўсимликдаги вегетатив қисмларини тез ўсиб бориши натижасида органик моддаларни ҳам тўпланиши тезлашади. Бу эса генератив қисмларини пайдо бўлишини тезлаштиради. Натижада биз кутган хосилдорлик ортади ва сифатли махсулот тайёрланади. Бизга маълумки чигит экилгандан то мевалари пишиб етилгунгача ўтган давр вегетация даври дейилади. Бу вегетация даврининг июн, июл, август ойларида ўсимликнинг янги белгилари пайдо бўлади ва тез ўсиб ривожланади. Биз ҳам шундан келиб чиқиб июн, июл ва август ойларининг 1-санасидан 10-санасигача тажрибадаги ўсимликлар устида кузатув ишларини олиб бордик.

Ғўзанинг ўсиш ва ривожланиш бўйича олиб борилган кузатув ишларини натижалари қуйидаги 4.2.1-жадвалда баён қилинган. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики июн ойида ғўзанинг учта белгиси бўйича кузатув ишлари олиб борилган. Бу ойда ғўзанинг асосий поянинг баландлиги бўйича вариантлар орасида кескин ўзгаришлар кузатилмади. Назорат С-6524 навига нисбатан Андижон-35 нави 2,2 см баланд ва Андижон-36 нави эса 3 см паст бўлганлиги кузатилди. Поя баландлиги бўйича бундай ўзгариш хосил шохларини сонига ўз таъсирини кўрсатди. Назорат навига нисбатан Андижон-35 нави 1,5 дона кўп йиққан бўлса Андижон-36 нави назорат навидан поясининг баландлиги паст бўлишига қарамасдан 0,4 дона кўп хосилшоҳ тўплаган. Ўсув шохлари бўйича вариантлар орасида кескин ўзгариш кузатилмади яъни деярли бир хил сонда бўлди.

Июл ойида ҳам ғўзанинг учта белгиси бўйича кузатув ишлари олиб борилди. Асосий поянинг баландлиги бўйича вариантлар орасида кескин ўзгариш кузатилди. Назорат навига нисбатан Андижон-35 нави 6,6 см баланд

Ғўза навларини ўсиш ва ривожланиши

№	Вариантлар	10-11 июн			1-10 июл			1-10 август		
		Асосий поя баландлиги, см	Хосил шоҳлар сони, дона	Ўсув шоҳлар сони, дона	Асосий поя баландлиги, см	Хосил шоҳлар сони, дона	Гуллар сони, дона	Асосий поя баландлиги, см	Хосил шоҳлар сони, дона	Кўсақлар сони, дона
1	St С-6524	33,3	5,2	1	83,6	8,0	5,0	94,8	10,2	10,2
2	Анди- жон-35	35,5	6,7	0,8	90,2	10,0	7,6	99,3	12,3	18,3
3	Анди- жон-36	30,3	5,6	1,3	77,9	8,4	7,0	85,7	10,1	16,3

ва Андижон-36 нави эса 5,7 см паст эканлиг кузатилди. Бундан кўриниб турибдики назорат С-6524 нави бир ой давомида 50,3 см ўсган бўлса, Андижон-35 нави 54,7 см ва Андижон-36 нави 47,6 см ўсган. Демак Андижон-35 нави башқа вариантларга нисбатан тез ўсаётганлигини ва Андижон-36 нави эса секин ўсаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу ойда хосилшохларни тўплаши олдинги ой билан бир хилда кечди. Назорат навига нисбатан тажрибадаги навларни хосилшохлари кўпроқ бўлганлиги кузатилди. Андижон-35 нави 2 дона ва Андижон-36 нави эса 0,4 дона кўп хосилшох тўлади. Бу ойда гуллар очила бошлаганлиги сабабли уларнинг сони аниқланди. Хосилшохларининг сонига кўра гуллар сони ҳам тажриба навларида кўпроқ бўлганлиги кузатилди. Назорат вариантига нисбатан Андижон-35 нави 2,6 ва Андижон-36 нави эса 2,0 донага кўп йиққанлиги кузатилди.

Август ойида ҳам ғўзанинг учта белгиси бўйича кузатув ишлари олиб борилди. Асосий пояни баландлиги бўйича олиб борилган кузатувлар натижасига кўра вариантлар орасида унчалик катта ўзгаришлар кузатилмади. Назорат вариантига нисбатан Андижон-35 нави 4,5 см баланд бўлса ва Андижон-36 нави эса 961 см паст бўлганлиги кузатилди. Бу ойда ҳам хосилшохларини ҳисобга олганимизда Андижон-35 нави назорат вариантига нисбатан 2,1 дона кўп ва Андижон-36 нави эса 0,1 донага кам йиққанлигини кузатишимиз мумкин. Тажрибадаги вариантларнинг барчасида чигитлар плёнка остига экилганлиги сабабли кўсакларнинг пайдо бўлиши ҳам тезлашган. Шундан келиб чиқиб август ойининг бошида август ойининг бошида кўсаклар сони ортганлигини кузатдик. Бу даврда тажрибадаги навлар назорат навига нисбатан жуда кўп кўсак тўплаганлигини гувоҳи бўлдик. Назорат навига нисбатан Андижон-35 нави 8,1 дона, Андижон-36 нави эса 6,1 дона кўп кўсак тўплаганлиги кузатилди.

Вегетация даврида олиб борилган кузатувишлар шуни кўрсатдики Андижон-35 нави асосий поянинг тез ўсиши натижасида хосилшохлар ва хосил элементларини кўпроқ тўплаган бўлса, Андижон-36 нави асосий пояда

хосилшоҳлар қисқа бўғинда пайдо бўлганлиги сабабли бўйи паст бўлишига қарамасдан кўпроқ хосилшоҳ ва мева элементларини тўплади.

4.3. Лаборатория анализ натижалари

Маълумки ғўза ўсимлиги асосан толаси учун ўстирилади. Тола қанчалик юқори сифатга эга бўлса жаҳон бозорида унинг баҳоси юқори туради.

Ўзбекистон пахта толасини экспорт қилувчи давлатлар қаторига киради. Етиштирилаётган толанинг кўп қисми чет давлатларга экспорт қилинади. Бунда толанинг технологик белгилари асосий ўрин тутди. Шунинг учун ҳам далаларга IV тип тола берадиган навларни экиш юқори самара беради. Кейинги йилларда тезпишар, юқори хосилли, вилтга чидамли кўп навлар чиқарилди, аммо кўпчилигини тола сифати паст бўлиб V-VI – типларга жавоб беради. Бунга мисол қилиб Фарғона 3 навини олишимиз мумкин. Бу нав барча хўжалик белгилари юқори бўлишига қарамасдан толасининг микронейр кўрсаткичи паст бўлганлиги сабабли ишлаб чиқаришдан чиқариб юборилди.

Шундан келиб чиқиб барча вариантларида хосилни йиғиштиришдан олдин лаборатория анализлари учун 50 донадан кўсак пахта намунаси териб олдик. Пахтачилик кафедрасининг лабораториясида олинган намуналарнинг битта кўсак вазни, тола чиқиши, тола узунлиги, 1000 дона чигит вазни ва Андижон «Сифат» корхонасида микронейр кўрсаткичи аниқланди.

Хосилдорликнинг асосий кўрсаткичларидан бири битта кўсакдан чиқадиган чигитли пахта вазнидир. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики битта кўсак вазни бўйича олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики навлар орасида сезиларли фарқ борлиги кузатилди. Назорат С-6524 навига нисбатан Андижон-35 навининг кўсакдаги пахта вазни 1,2 г га ортгн бўлса Андижон-36 навининг кўсаги 0,4 г га оғирроқ бўлиб чиқди.

Вўза навларини лаборатория анализ натижалари

№	Вариантлар	1 та кўсакдаги пахта вазни, г	1000 дона чигит вазни, г	Тола чиқими, %	Тола узунлиги, мм	Микронейр
1	St C-6524	5,5	116	34,0	36,3	4,3
2	Андижон-35	6,3	125	38,0	36,5	4,6
3	Андижон-36	5,9	120	38,3	36,4	4,5

Чигитнинг вазни жуда муҳим кўрсаткич бўлиб, у асосан йирикликка ҳамда муртақ хажмига ва тўлиқликка қараб турлича бўлади. Пахтачилик амалиётида чигитнинг вазни 1000 дона чигит вазни ҳисобида ифодаланadi. Чигит муртақи қанчалик йирик ва тўлиқ бўлса, вазни шунчалик катта бўлади. Навларнинг 1000 дона чигит вазни аниқланганда тажрибадаги навлар иккаласи ҳам назорат навидан юқори кўрсаткични намоён қилди. Бу эса тажрибадаги навларнинг чигитлари анча йирик эканлигини кўрсатади.

Тола чиқими асосий хўжалик белгиларидан бири ҳисобланади. Тола чиқими қанчалик юқори бўлса шунчалик пахтадан тола кўп чиқади. Далаларга стандарт навга нисбатан фақат 1% ортиқча тола берадиган навлар экиш билан ҳеч қандай қўшимча маблағ сарф қилмасдан давлатга қарийиб 570 млн метр ортиқча мато етказиб бериш мумкин. Мана шунча миқдорда мато олиш учун эса 60 минг гектарга яқин ерга чигит экиб, гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш керак бўлар эди. Назорат навига нисбатан тажрибадаги навларнинг тола чиқими юқори бўлганлигини кўришимиз мумкин. С-6524 навига нисбатан Андижон-35 нави 4%, Андижон-36 нави эса 4,3% кўп тола чиқимига эга бўлганлиги аниқланди.

Тўғриланган битта толанинг икки учи орасидаги масофа тола узунлиги дейилади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда экилаётган ўрта толали ғўза навларининг тола узунлиги 33-36 мм ни ташкил қилади. Олиб борилган кузатув натижалари шуни кўрсатдики ўрганилган барча вариантларни тола узунлиги бир бирига яқин кўрсаткичларни ҳосил қилди. Назорат навига нисбатан Андижон-35 нави 0,2 мм, Андижон-36 нави эса 0,1 мм узун бўлганлигини кузатишимиз мумкин.

Ҳозирги вақтда пахта толасининг энг асосий сифат кўрсаткичларидан бири микронейр бўлиб жаҳон бозорида бу кўрсаткич ҳал қилувчи белги бўлиб турибди. Микронейр кўрсаткичи бир дюм узунликдаги толанинг микрограмми ҳисобланади. Бу кўрсаткич толани ингичкалигини (майинлигини) билдиради. Ҳозирги вақтда толанинг микронейрининг максимал чегараси 4,9 ни ташкил қилади. Бундан юқори кўрсаткичга эга

бўлган навлар районлаштирилмайди. Ўрганган навларимизнинг баочаси давлат андозасига мос тушади, яъни районлаштириш мумкин. Бу белги бўйича энг ёмон кўрсаткич Андижон-35 навида (4,6) кузатилди.

Ўрганилган навларнинг лаборатория анализ натижалари бўйича баҳо берилганда тола чиқими бўйича тажрибадаги вариантлар назорат навидан устун, ёмон кўрсаткични эса тола микронеири бўйича ҳосил қилишди.

4.4. Ғўза навларининг пахта ҳосилдорлиги

Ҳосилдорлик жуда ҳам мураккаб белги ҳисобланади. Ҳосилдорлик ғўза ўсимлигидаги кўсакларнинг сони, битта кўсакдаги пахтанинг вазни ва майдондаги кўчат сони билан аниқланади. Шу билан бирга ҳосилдорлик кўп бошқа белгиларга-масалан, эртапишарлик, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиқ ҳамда навнинг ўзгарувчан муҳит шароити таъсирига мослашиш хусусиятига боғлиқдир. Ғузада ўтказилган дала тажрибаларини ҳаммасида ҳосил теримлар бўйича ҳисоб-китоб қилинди. Биринчи терим олдида ҳар бир делянкадан 50 дона кўсак пахтаси намуна учун териб олинди. Намуналар вазни аниқланиб пахта ҳосилдорлигига кўшилди. Тажриба даласида пахта ҳосили 3 марта очилган кўсаклардан ва 1 марта кўсакларни териб чувиш орқали иғиштириб олинди. Олинган маълумотлар гектаридан ҳосилдорликка айлантирилди.

Тажриба даласида пахта ҳосили 3 марта очилган кўсаклардан ва бир марта кўсакларни териб чувиш орқали аниқланди. Қайтариқлардаги пахта ҳосили қуйидаги 4.4.1-жадвалда баён қилинган.

Ушбу тажриба маълумотларидан кўриниб турибдики Андижон-35 ва Андижон-36 навларининг бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони, битта кўсак вазни юқори ҳамда кўсакларни очилиши тез бўлганлиги сабабли теримларда териб олинган пахта ҳосилига ўз таъсирини кўрсатди.

Назорат навига нисбатан Андижон-35 нави 6,7 ц/га, Андижон-36 нави эса 4,2 ц/га кўп ҳосил тўплади.

Вўза навларининг хосилдорлиги ц/га

№	Вариантлар	Қайтариклар				Ўртача	St дан
		I	II	III	IV		Фарқи
1	St C-6524	33.3	37.9	34.6	36.0	35.6	
2	Андижон-35	39.3	45.0	41.1	43.5	42.3	+6.7
3	Андижон-36	41.9	37.7	40.0	39.6	39.8	+4.2

4.5. Ғўза навларининг иқтисодий самарадорлиги

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини юритишда энг асосий эътибор бериладиган нарса, бу иқтисодий самарадорликдир. Чунки халқ хўжалигини барча тармоқларини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини, пахтачилик, дончилик ва чорвачилик тармоқларини ривожлантириш, уларни сердаромад сохага айлантириш аввало кам харажат қилиш ҳисобига кўп маҳсулот етиштириш билан боғлиқ.

Агар кўп харажат қилиб кам фойда олинса, унда хўжалик юритиш қийинлашади, ходимларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаътдорлиги пасайиб кетади. Шуни ҳисобга олган ҳолда айниқса ҳозирги хўжалик ҳисоби ва ўз – ўзини маблағ билан таъминлаш, хўжаликлар фаолиятига кириб келган бир шароитда олимларимиз, хўжалигимиз мутахассислари, раҳбарлари хўжалик иқтисодиётини кўрсатувчи янги – янги манбаларини топиш устида бош қотирмоқдалар. Биз ҳам бу ишга ўз ҳиссамизни қўшиш мақсадида ғўзанинг истиқболли тизмаларини танлаш бўйича дала тажрибасини олиб бордик.

Тажрибанинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун «Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқаруви» кафедрасининг кўрсатмалари асосида 6 та асосий кўрсаткичдан фойдаландик. Иқтисодий самарадорликни топиш учун назорат вариант билан яхши тажриба вариантининг иқтисодий кўрсаткичларини ўзаро таққосладик.

Бунда биз бир йиллик тажриба натижаларининг ўртача кўрсаткичидан фойдаландик.

Иқтисодий самарадорлик барча ғўза тизмаларидан олинган ҳосилдорлик кўрсаткичини назорат С-6524 навидан олинган кўрсаткичга таққослаш йўли билан аниқланди.

Тажрибада 3 та вариант бўлиб 2 таси вилоятимизда яратилган Андижон-35 ва Андижон-36 ғўза навлари 1 таси эса вилоятимизда кенг майдонларга

экилаётган назорат С-6524 навидир. Тажрибадаги Андижон-35 ва Андижон-36 навларини ҳосилдорлик кўрсаткичларидан фойдаланиб назорат С-6524 навига нисбатан қўшимча ҳосили аниқланди. Тажрибадаги вариантларга қўшимча агротехник тадбирлар қўлланилмади.

Барча навлар бир хил агротехникада етиштирилди. Харажатлар фақат ҳосилни йиғиштириш учун сарфланди.

Тажрибадаги ғўза навларининг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги тартибда ишлаб чиқилди:

I. Тажрибадаги навларнинг ҳосилдорлиги

1. С-6524	35.6 ц/га
2. Андижон-35	42.3 ц/га
3. Андижон-36	39.8 ц/га

II. Назорат навга нисбатан ғўза тизмаларидан олинган қўшимча ҳосил.

2. Андижон-35	6,7 ц/га
3. Андижон-36	4,2 ц/га

III. Қўшимча ҳосилдан даромад. 1 кг пахтани харид нархи – 423,40 сўм.

2. Андижон-35	$670 \times 423,40 = 283678$ сум
3. Андижон-36	$420 \times 423,40 = 177828$ сум

IV. Ишлаб чиқариш харажатлари

A) Қўшимча ҳосилни териш 1 кг 100 сўм

2. Андижон-35	$670 \times 100 = 67000$ сум
3. Андижон-36	$420 \times 100 = 42000$ сум

Б) Қўшимча ҳосилни шийпонга ташиш. 1 ц 127 сўм

2. Андижон-35	$6,7 \times 127 = 850,9$ сум
3. Андижон-36	$4,2 \times 127 = 533,4$ сум

В) Қўшимча ҳосилни қуритиш учун 1 ц 365 сўм

2. Андижон-35	$6,7 \times 365 = 2445,5$ сум
3. Андижон-36	$4,2 \times 365 = 1533$ сум

Г) Қўшимча ҳосилни юклаш учун (қўлда) 1ц 270 сўм

2. Андижон-35 $6,7 \times 270 = 1809$ сум

3. Андижон-36 $4,2 \times 270 = 1134$ сум

Д) Қўшимча ҳосилни пахта қабул қилиш пунктига ташиш учун 1 ц 372 сўм.

2. Андижон-35 $6,7 \times 372 = 2492,4$ сум

3. Андижон-36 $4,2 \times 372 = 1562,4$ сум

Е) Юқоридаги ишларни бажариш учун кетган ёнилғи сарфи 1 л 493 сўм

2. Андижон-35 $6,7 \times 493 = 3303,1$ сум

3. Андижон-36 $4,2 \times 493 = 2070,6$ сум

Ж) Йил давомида ҳамма вариантлар учун бир хилда 58214,7 сўм гектарига қўшимча харажат қилинди.

З) Жами ишлаб чиқариш харажатлари

2. Андижон-35

$67000 + 850,9 + 2445,5 + 1809 + 2492,4 + 3303,1 + 58214,7 = 136115,6$

3. Андижон-36 $42000 + 533,4 + 1533 + 1134 + 1562,4 + 2070,6 + 58214,7 = 107048,1$

V. Фойда (сўм)

2. Андижон-35 $283678 - 136115,6 = 147562,4$

3. Андижон-36 $177828 - 107048,1 = 70779,9$

VI. Бир сўмлик харажат хисобидан олинган фойда (сўм)

2. Андижон-35 $147562,4 : 136115,6 = 1,10$

3. Андижон-36 $70779,9 : 107048,1 = 0,66$

ТАЖРИБАНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	С-6524	Андижон-35	Андижон-36
1	Тажрибани ҳосилдорлиги	ц/га	35.6	42.3	39.8
2	Қўшимча ҳосилдорлик	ц/га		6,7	4,2
3	Қўшимча ҳосилдан даромад	сўм		283678	177828
4	Жами ишлаб чиқариш харажатлари	сўм		136115,6	107048,1
5	Фойда	сўм		147562,4	70779,9
6	1 сўмлик харажат ҳисобига олинган фойда	сўм		1,10	0,66

Тажрибада олинган ҳосилдорликдан фойдаланиб назорат навига нисбатан ўрганилаётган навларнинг қўшимча ҳосили ҳисоблаб топилди. Шунинг таъкидлаб ўтишимиз жоизки қўшимча ҳосил навларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда олинди. Ўрганилган иккала навларнинг ҳосилдорлиги юқори бўлиб назорат навга нисбатан қўшимча ҳосил тўплади. Бу эса навларнинг иқтисодий самарадорлиги назорат навига нисбатан юқори бўлишига олиб келади. Навлардан олинган қўшимча ҳосилни давлатга сотганимизда энг юқори даромад қўшимча ҳосили юқори бўлган Андижон-35 навида 283678 сўм ва Андижон-36 навида эса 177828 сўмни ташкил қилди. Навлардан олинган қўшимча ҳосилга сарфланган харажатларни ҳисоблаганимизда навлар орасида фарқлар бўлганлиги кузатилди. Энг кўп харажатлар юқори даромадга эга бўлган Андижон-35 навида 136115,6 сўмни ташкил қилган бўлса, Андижон-36 навида эса 107048,1 сўмни ташкил қилди. Бундан кўришиб турибдики қанчалик кўп ҳосил олинса, унга сарфланган харажатлар ҳам шунчалик кўп бўлиши кузатилди. Олинган фойдани ҳисоблаганимизда Андижон-35 нави 147562,4 сўм фойда келтирган бўлса, Андижон-36 нави эса 70779,9 сўм фойда кетирди.

V. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Биз ўқув ва илмий ишлаб чиқариш хўжалиги шароитида ғўза навлари устида олиб борган тажрибамиздан қуйидаги хулоса ва таклифларга келдик.

1. Ривожланиш фазаларининг давомийлиги бўйича назорат С-6524 нави 50% гуллашгача ўтган вақт анча тез кечган бўлса гуллашдан пишишгача муддати бироз чўзилди. Тажрибадаги вариантларда эса бунинг акси бўлиб чиқди. Натижада Андижон-35 ва Андижон-36 навлари эрта пишиб етилди.

2. Вегетация даврида олиб борилган кузатув ишлар шуни кўрсатдики Андижон-35 нави асосий поянинг тез ўсиши натижасида хосилшоҳлар ва хосил элементларини кўпроқ тўплаган бўлса, Андижон-36 нави асосий пояда хосилшоҳлар қисқа бўғинда пайдо бўлганлиги сабабли бўйи паст бўлишига қарамадан кўпроқ хосилшоҳ ва мева элементларини тўплади.

3. Андижон-35 ва Андижон-36 навларининг бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони, битта кўсак вазни юқори ҳамда кўсакларни очилиши тез бўлганлиги сабабли теримларда териб олинган пахта хосилига ўз таъсирини кўрсатди. Назорат навига нисбатан Андижон-35 нави 6,7 ц/га, Андижон-36 нави эса 4,2 ц/га кўп хосил тўплади.

Тажрибада ўрганилган иккала нав назорат навидан асосий хўжалик белгилари бўйича устунлигини намоён қилди. Хўжалигимиз шароитида ғўзадан юқори ҳосил олиш учун навлар танланганда Андижон-35 ва Андижон-36 навларини экишни тавсия этамиз.

VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.А.Каримов Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент, 2009 й., 30-35 бетлар.
2. Аманов Б.Х. Перу ғўза турларининг генетик хилма-хилликлари ва морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши. Автореферат. Тошкент. 2010 й.
3. Ашурбеков Х, Муқимов Э. Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалар тўплами. Тошкент, 1990.
4. Бобоев Я.А., Ким Р.Г., Амантурдиев А.Б. Ғўза махсулдорлигининг бошқа қимматли хўжалик белгилари билан ўзаро боғланиши. Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари тўплами. Тошкент, 2002, 62-63.
5. Қосимов А. Янги нав ва ҳосилдорлик. Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишдаги агротехнологик муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари. (Республика илмий амалий анжуманининг мақолалар тўплами), «Андижон наширёт – матбаа» очик аксиядорлик жамияти, 2006, 12-15.
6. Қосимов А., Дадажонов М. Ғўзанинг F_1 дурагайларида ҳосилдорлик ва тола чиқиши гетерозиси. - Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2002, №3, 51.
7. Кристидис Б.Б., Дж.Гарисон. Проблемы возделывания хлопчатника. М.ИЛ.1959.
8. Мадрахимов И., Ахмедов Ж., Хасанов Э., Шарипов Э. Уруғлик сифати.-Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2000, №1, 34.
9. Махмадалиев К. Вилтга чидамли навларни излаб. -Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1997, №4, 37.
10. Махмудов О., Қосимов А., Исмонов А. Эртапишар ғўза тизмаларини аниқлаш. Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишдаги агротехнологик муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари.

- (Республика илмий амалий анжуманининг мақолалар тўплами),
«Андижон наширёт – матбаа» очик аксиядорлик жамияти, 2006, 49-51.
11. Мунасов Х., Муратов Ў., Қўчқаров О., Алихўжаев С.С. Шўрланган тупрокда ўстирилган айрим тизмаларнинг эртапишарлиги ва хосилдорлиги. Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари тўплами. Тошкент, 2002, 97-103.
 12. Назаров Р. Ғўза уруғчилиги ва селекцияси жаҳон андозасига мосми. - Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2001, №5, 32-33.
 13. Назаров Р., Шарапов Э. Пахта-99: натижалар ва сабоқлар.-Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2000, №1, 27-28.
 14. Назаров Р., Шполянская Н. Навларни янгидан алмаштириш бўсағасида.-Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1992, №2, 9-16.
 15. Назаров Р., Ибрагимов П., Ёкубов М. Ғўза навлари минтақалар бўйича тўғри жойлаштирилаяптими. -Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2001, №4, 34.
 16. Рахматов И., Орипов А. Қарши чўли шароитида ингичка толали ғўзанинг Термиз 24 навини суғориш. -Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1997, №4, 40.
 17. Саақова С., Н.Хўжамберганаев, Ш. Намозов. Янги ғўза навлари - мўл ва сифатли хосил гарови. - Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2002, №3, 50.
 18. Симонгулян Н.Г. Наследуемость признаков хлопчатника в широком и узком смысле. Труды СХИ, вып. 54, 1974.
 19. Тожиев М., Қурбонова Г., Тожиев Қ., Хўжманов О. Янги ғўза навларини жойлаштириш. - Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2003, №7, 13.
 20. Тўраев Ж. -Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1990, №9.
 21. Халилов М. Бухоро 6 ғўза навининг ўғит меъёрлари. -Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1997, №4, 38.
 22. Шамсиев А. «Оқдарё 5» нави. -Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2001, №4, 36.

23. Яминов Т., Абдураимов О. «Меҳр» навини агротехникаси. - Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2004, №2, 10. 5.
24. Hearn A.V. Cotton breeding in Aiayan, 1958 to 1965 Empirebott cyrov
Rew. 1966. № 43. 196-206.